

таълим мазмуни ва унинг методик таъминотидан орқада қолаётганлиги;

- ижтимоий-гуманитар фанлари ўқитувчиларида касбий-ижодий, ғоявий-сиёсий қарашларида ва инновацион фаолиятида технократик ёндашувнинг устуңлиги;

- ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида дарс берадиган ўқитувчиларнинг илмий-назарий, касбий ҳамда методик жиҳатдан тайёргарлигини узлуксиз ривожлантиришнинг такомиллаштирилмаганлиги;

- ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг замонавий педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган билим, кўникма ва малакаларни мунтазам янгилаш ҳамда таълим жараёнини инновациялашнинг электрон платформаси яратилмаганлиги кабилар.

Модернизациялаштирилган таълим шароитида ўқув-тарбия жараёнини педагогик инновациялар асосида бошқариш, уларнинг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришга асосий эътиборни қаратишни даврнинг ўзи тақазо этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни таълим амалиётида қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришнинг мотивацион, информацион факторлари, инновацион фаолият, тадқиқотчилик, мустақил изланиш, ўқув вазиятларини лойиҳалаштири

олиш, моделлаштириш, барқарорлаштириш фаолиятлари асосида такомиллаштириш;

ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришда методик хизмат кўрсатишнинг оптимал педагогик шарт-шароитлар, халқаро тажрибалар, инновацион фаолиятга йўналтирилган таълим устуворлиги ҳамда замонавий ахборот технологиялари асосида инновацион касбий фаолиятга йўналтириш;

ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий фаолиятини узлуксиз ривожлантирувчи ва ўз-ўзини назорат қилиш ҳамда педагогик жараёни бошқариш мезонлари прогноزلаш, таҳлил, мустақил таълим, ахборот таълим ресурслари, педагогик диагностика асосида инновацион ўқув жараёнини автоматлаштиришнинг электрон платформасини яратиш;

ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришда инновацион таълим жараёнини прогноزلаш, режалаштириш, масофадан ўқиш, педагогик маҳорати ва баҳолаш каби касбий инновацион фаолият самарадорлигини назорат қилиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Хулоса қилиб айтганда, ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш, уларнинг касб маҳоратини, педагогик-психологик ва методик тайёргарлигини замон талаблари асосида ташкил этиш имкониятини яратади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги ПФ-6108-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сонли қарори.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантириш, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини оширишнинг замонавий шакллари, ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ва фаолият самарадорлиги таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются вопросы непрерывного развития профессиональной компетентности учителей в специализированных общеобразовательных учреждениях, современные формы повышения квалификации учителей, профессиональные навыки учителей и эффективность их деятельности.

SUMMARY

The article analyzes the issues of continuous development of professional competence of teachers in specialized educational institutions, modern forms of professional development of teachers, professional skills of teachers and the effectiveness of their activities.

ТАЛАБАЛАРНИНГ УМУМКАСБИЙ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИгини ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Н.Орынбетов – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: масофавий таълим, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, вебинар, электрон маъруза, телеанжуман, интернет тармоғи, электрон кутубхона, тьютор-консультант.

Ключевые слова: дистанционное обучение, современные информационные и коммуникационные технологии, вебинары, электронные лекции, телеконференции, Интернет, электронная библиотека, тьютор-консультант.

Key words: distance education, modern information and communication technologies, webinars, electronic lectures, teleconferences, Internet, electronic library, tutor-consultant.

Жаҳонда юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизими, уларга бўлган жамият талаби таълимнинг техник воситалари ҳамда замонавий ахборот ва педагогик технологиялари имкониятларидан таълим жараёнида фойдаланиш асосида доимий ривожланиб бормоқда. Айниқса, технологик таълимни такомиллаштириш асосида талабаларнинг умумкасбий фанлари бўйича касбий тайёргарлигини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, STEAM (фан, технология, инжиниринг, санъат, математика) усулига асосланган ўқитиш тизимига талабаларни мақсадли тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Маълумки,

ҳозирги кунги таълимда ракобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёни бевосита ўқув фаолиятини ҳам замон талабига мослашни талаб этаётган ўқув жараёни замонавий педагогик ва ахборот технологиялари билан олиб борилаёпдики, бу эса ўқитиш сифатининг тубдан ўзгаришига замин яратаяпти. Технология таълими йўналишида замонавий кадрларни тайёрлаш кўп жиҳатдан умумкасбий фанлари ўқитувчиларига боғлиқдир. Таълим жараёнида касбий кўникма ва малакалар тизими яратилади, талабалар керакли ишлаб чиқариш тажрибасига, касбий маҳоратга эга бўладилар.

Таълимни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш икки босқичда олиб борилмоқда: компьютер саводхонлигини ошириш ва таълим жараёнида компьютердан фойдаланиш. Биринчи босқичда маълум бир натижаларга эришилган, иккинчи босқичда эса бажарилган ишларнинг қониқарсиз эканлигини қўрамиз: амалиётда ўргатувчи дастурлар деярли мавжуд эмас; дастурий воситаларни яратишга мутахассислар кенг жалб қилинмаган; дастур воситалари ва улардан фойдаланиш технологиясидан ўқитувчилар деярли хабардор эмас; дастурий воситаларни яратиш технологияси ҳозиргача психологик, педагогик, дидактик, услубий жиҳатдан кенг жорий этилмаган, илмий асосланмаган, талабаларнинг реал билиш имкониятларига мослаштирилмаган. Демак, иккинчи босқичга эътиборни сезиларли даражада кучайтириш ҳозирги замон талабига жавоб берадиган дастурий воситаларни яратиш замон талабидир.

Таълимнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланиш жараёнини энди орқага қайтариш ёки тўхтатиш мумкин эмас. Таълимда компьютерлаштиришни тўхтатиб бўлмайди, таълимда компьютерни қўллаш керак - деб ёзган эди Е.И.Машбиц [2:22-23].

Таълим жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги фақат техника воситаларидан фойдаланилганлиги билан белгиланмасдан, уларга мос дастурий воситаларнинг фойдаланилганлигига ҳам бевосита боғлиқ эканлигини барча англаб етмоғи лозим.

Ўқитиш жараёнларини рақамли технологияларда индивидуаллаштириш, масофавий таълимни такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш, вебинар, “blended learning” технологияларини амалиётга тарғиб этиш, маъруза ва амалий машғулотларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек уларни электрон ахборот сақловчиларга юқловчи “E-minbar” платформасини амалиётга жорий этиш лозим [1].

Масофавий таълим (distant education) – ахборот технологиясидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб таълим мухити ёрдамида ўқув ахборотларининг алмашилини таъминлайдиган ва ўқув жараёнини олиб бориш ҳамда бошқариш тизимини амалга оширадиган билим ва қўникмаларни эгаллаш жараёни.

Масофавий ўқитиш - ўрганаётган материалнинг асосий ҳажмини ўқувчиларга етказиш, ўқув жараёнида талаба ва ўқитувчининг интерфаол мулоқоти, талабаларга ўрганаётган материалларни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш, шунингдек, уларнинг ўқиш мобайнида олган билим ва қўникмаларини баҳолашга имконият берадиган ахборот технологиялари йиғиндиси.

Масофавий ўқитишда - ўқув жараёнига тегишли бўлган барча компонентлар (мақсад, мазмун, ташкилий шакл, метод, ўқитиш воситалари ва ҳоказо), Интернет-технологияси бўйича махсус воситалар ва бошқалар билан амалга ошириладиган ва интерфаолликни назоратга олган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро масофадан туриб алоқа қилиши.

Масофавий ўқитишнинг асосий мақсади: тингловчилар қаерда яшашларидан қатъий назар жаҳондаги ихтиёрий таълим муассасасида ўқиш имкониятини яратиш, таълим муассасаларидаги профессор-ўқитувчиларнинг салоҳиятларидан фойдаланган ҳолда таълим сифатини ошириш ва ўқувчиларга узлуксиз таълим олишни таъминлаш ва таълимнинг турли шакллари билан бир-бирига яқинлаштиришдан иборат.

Масофавий таълимнинг анъанавий таълим шаклидан фарқи, унинг эгилувчанлигига боғлиқ равишда юқори ҳаракатчанлиги, тингловчиларнинг мустақил ишлаш имкониятининг катталиги, ўқув - услубий таъминотнинг ранг-баранг шаклдалигига бўлиб, улар тингловчиларнинг қаерда яшашларидан қатъий назар таълим жараёни самарадорлигини кўтаришга имкон беради.

Масофавий ўқитиш тизимига қуйидагиларни киритиш мумкин: дастлабки ташкилий ишлар (анъанавий тартибда ўтказиш ҳам мумкин). Бу ўз ичига гуруҳни шакллантириш, тингловчилар билан танишиш, уларнинг бошланғич билимларини аниқлаш учун мўлжалланган (кириш) тестларини ўтказиш, кириш дарсларини ташкил этиш, ўқиниш учун зарур бўлган ўқув манбаларини тавсия қилиш ва бошқа ташкилий масалаларни ўз ичига олади;

тингловчиларга электрон маъруза ва қўлланмаларни узатиш;

тингловчиларнинг тьютор-консультант билан ёзишмаси;

профессор - ўқитувчиларнинг тингловчилар билан ёзишмаси.

Бу ўз ичига электрон почта орқали маслаҳатлар, телеанжуманлар кўринишидаги семинарлар, электрон тестдан ўтказиш, тингловчиларнинг Интернет тармоғи орқали мустақил ишлашлари, аудио-видео қўлланмалар билан мустақил ишлаш, эксперт тизимларидаги билимлар омборини эса сақлаб қолишларини ўз ичига олади;

тингловчиларни мустақил ишлаш;

жорий назоратлар (имтиҳон);

битирув ишлари (реферат)ни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш;

тингловчиларга диплом ёки сертификатларни тақдим этиш;

турли кўринишдаги телеанжуман (масалан, курс бўйича, ўқув муассасаси бўйича ёки глобал тармоқли) лар [3].

Масофавий ўқитиш тизимининг ҳаракатчанлик хусусияти ўқув аудиторияларини ташкиллаштириш ва назорат қилиш, ўқув - методик қўлланма ва электрон кутубхоналарнинг жамғармаларини, компьютер тармоқларининг глобал ва маҳаллий ҳисоблаш ашёларидан фойдаланиш, тьютор - консультант ва ўқитувчиларни тайёрлаш каби таълим ашёларидан самарали фойдаланишни режалаштиришда муаммолар келтириб чиқаради.

Масофавий ўқитишни ташкил этиш асосий таъминловчилари:

ихтиёрий ёшдаги ўқувчиларнинг гуруҳи таълим олиш имкониятига эга эканлиги, яъни вақт ва фазода эгилувчанлиги;

юқори сифатли ўқув материалларини танлаш мумкинлиги;

ўқитиш жараёнини юқори даражадаги ошқоралик ва самарадорликда ўтказиш мумкинлигидан иборат.

Масофавий ўқитиш педагогик жиҳатдан:

ўзига хос йўналиши сифатида қаралиши;

ўқитиш ва ўқишни индивидуал ва дифференциал ёндашувнинг мавжудлиги;

ўқувчининг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш мумкинлиги;

ўқувчиларнинг ўқишга мотивациясини кучайтириш, олган билимларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

фанлараро узвийлик таъминланиши;

муаммоли ўқитиш усулларидан фойдаланилиши;

замонавий ўқитиш усуллари билан бойитилиши;

гуруҳли ва яккама-якка усуллардан изчиллик билан фойдаланиш мумкинлик хусусиятларига эга [4].

Масофавий ўқитиш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фуқоролик ҳуқуқларини тенглаштириш, танлаш, шунингдек, ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқларини беради. Таълим тизимининг бугунги вазифаси тингловчиларни тўлиб тошган ахборот – таълим муҳити шароитида бемалол фаолият кўрсата олишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш учун шароит яратиб бериш керак. Масофавий таълимда иштирок этаётган ўқитувчидан маълум билим ва кўникмаларни эгаллаганликларни талаб қилади. Ушбу билим ва кўникмаларни қўйидаги тўрт қисмга ажратиш мумкин:

ўқитувчининг таълимда янги ахборот технологиялари соҳасидаги умумий билим ва кўникмалари;

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш» ПФ-5847-сонли фармони.
2. Орынбетов Н.Т. Меҳнат таълими йўналиши талабаларининг электротехника, радиотехника ва электроника бўйича касбий тайёргарлигини такомиллаштириш. Автореф. пед. фан. фалс. док....дисс (PhD). -Нукус: 2019.
3. Рахимов О. Д ва бошқалар. Масофавий таълимнинг дидактик таъминоти. -Қарши: 2012.
4. Omonov N.T va boshqalar. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. -Toshkent: 2009.
5. Михридинова М.Т. Масофавий ўқитиш асослари. -Тошкент: 2011.

РЕЗЮМЕ

Масофавий таълим жараёнида мустақил билим олиш бўйича электрон дарсликларни яратиш ва уларни амалда қўллаш виртуал дарс жараёнини ташкил этиш муҳим долзарб вазифа ҳисобланади. Ўқув жараёнида қўллаш учун мўлжалланган электрон ресурслар ўқув жараёнини бошқариш, билим беришда ўқувчининг ишини осонлаштириши ва энг асосий билимларни назорат қилиш-баҳолашни тез ва ҳаққоний амалга оширишга имкон беради. Бу тавсияларнинг асосий мақсади ахборот технологияларининг қўлланилиши ўқитишнинг ушбу соҳадаги малака ва кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

РЕЗЮМЕ

Создание и внедрение электронных учебников по самостоятельному обучению в процессе дистанционного обучения является жизненно важной задачей. Ресурсы электронного обучения используются для управления процессом обучения, для облегчения работы учащегося в обучении, а также для мониторинга и оценки базовых знаний. Основной целью этих концепций является использование информационных технологий в развитии навыков и умений в области преподавания.

SUMMARY

Establishing and implementing electronic textbooks on independent learning in the process of distance learning is a vital task. E-learning resources are used to manage the learning process, to facilitate the student's work in teaching, and to monitor and evaluate basic knowledge. The main purpose of these techniques is to develop knowledge and skills in this field of teaching.

ДИСКУРС ПРАГМАТИКАСИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Н.Н.Очилова - ўқитувчи

Самарқанд ветеринария медицина институти

Таянч сўзлар: интеллектуал, эмоционал, прагматика, коммуникатив, модал, адресат, оптатив, ассоциатив, диалоглашув, лисоний, имплицит, объектив.

Ключевые слова: интеллектуальный, эмоциональный, прагматика, коммуникатив, модальный, адресат, оптатив, ассоциативный, диалог, языковой, имплицит, объективный.

Key words: intellectual, emotional, pragmatics, communicative, modality, addressee, optative, associative, dialogical, language unit, implicit, objective.

Фан тилининг ўзига хослиги, унинг кўлами кенглиги, лисоний жиҳатдан мукамал қурилишга эгаллиги барчага маълум. Илмий битиклар ҳеч қачон олам манзарасининг бевосита, тўғридан-тўғри акси ёки сурати сифатида қабул қилинмаслиги керак. Улар тадқиқотчининг лисоний-тафаккур фаолияти маҳсулоти бўлиб, бу маҳсулотда инсоннинг воқеликка субъектив муносабати, унинг ўй-фикрлари, ғоявий-руҳий ҳолатлари ўз аксини топади. Энг муҳими, илмий асар муаллифи, худди бошқа ижодкорлар каби, ўз тингловчисига таъсир ўтказиш мақсадини кўзлайди ва бу таъсир фақат интеллектуал маънода бўлмасдан, балки эмоционал хусусиятга ҳам эга.

Илмий услуб ҳам ўз прагматикасига эга эканлигини ҳеч ким инкор қилмайди. Коммуникатив ҳодисалар қаторига қирадиган ҳар қандай тузилмага прагматик мазмун хослиги қачонлардир эътироф этилган [1, 2].

Маълумки, матннинг ўқувчисига кўрсатилаётган таъсири икки йўналишда кечади. Биринчисида, таъсир манбаси илмий матннинг мазмун-мундарижаси бўлса, иккинчисида, эса-қўлланилаётган лисоний бирликлардир. Биринчи ҳолатда ўқувчи мазмунни қабул қилиш, тушунишга олдиндан тайёр. Охиргисиди ўқувчи таъсир воситасини матн таркибидан изламайди, ҳатто унинг мавжудлигини сезмасдан ҳам қолиши мумкин. Бундай таъсир ва лисоний воситаларнинг қўлланиши

ўқитувчиларнинг Интернет технологиялари соҳасидаги махсус билим ва кўникмалари;

ўқитувчиларнинг педагогика ва психология соҳасидаги умумий билим ва кўникмалари;

ўқитувчиларнинг янги ахборот технологиялари соҳасидаги умумий билим ва кўникмалари [5].

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда масофавий таълимни ташкил этиш ва уни ўтказиш борасида Республикамизда бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Масофавий таълимда фойдаланиш учун барча профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган қўлланмалар ва дарсликларнинг электрон вариантлари, электрон ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратилди ва уларни такомиллаштириш мақсадида ишлар олиб борилмоқда.

муаллиф режалаштирган прагматик мўлжал билан боғлиқ.

Прагматик мўлжал тушунчаси тилшунослар томонидан турлича талкин қилинб келинмоқда. Шундай талкинлардан энг маъқулини В.А.Наернинг мақоласидан топиш мумкин: “матннинг прагматик мўлжалини ахборот узатувчининг онгли равишда уни қабул қилувчига таъсир қилишга йўналтирилган мақсадини матнда воқеланишини тушуниш лозим” [6]. Ушбу мўлжалнинг лисоний модаллашуви ўқувчининг онги, интеллектида акс топади ва олам манзараси ҳақидаги тасаввурида ўзгаришлар юзага келади, ижтимоий қадриятлар баҳоси бошқача кўриниш олади [2].

Прагматик мазмуннинг коммуникатив мақсад доирасида шаклланишини эътироф этаётиб, илмий матнларнинг прагматик мақоми уларнинг қайси жанрга тегишли бўлиши билан боғлиқлигини унутмаслик керак. Матннинг ўқувчига таъсир кўрсатиш даражаси унда информативлик ва баҳо бўлаклари қай даражада мослашувини акс эттиради. Бинобарин, мунозарали мақоланинг тажриба натижалари оддий равишда баён этилаётган ёки қўзғатилган фактлар қайд этилаётган матнларнинг прагматик қиймати бир хил бўла олмайди.

Адресатга таъсир ўтказиш уни маълум қилинаётган хабар, ахборотга ишонтириш йўли билан амалга